

# КИЧИК БИЗНЕС ЙИРИК КОРХОНАЛАРНИ ОРТДА ҚОЛДИРМОҚДА

2020

йилнинг январь-март ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 15472,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш индекси 108,9 фоизни ташкил этди, деганидир.

Бунда қайта ишлаш саноати 111,7 фоиз, тоғ-кон ва очиқ конларни ишлаш саноати 106,7, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш 137,0 ва сув билан таъминлаш, канализация тизими ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш 79,8 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда саноат таркибида юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 608,3 млрд. сўмни (саноат таркибидаги улуши 5,7 фоизни), ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 2541,8 млрд. (саноат таркибидаги улуши 23,9 фоизни), ўрта-қуйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 4010,0 млрд. (саноат таркибидаги улуши 37,7 фоизни), қуйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми эса 3475,2 сўмни (саноат таркибидаги улуши 32,7 фоизни) ташкил этганини таъкидлаш жоиз.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам барқарор ўсиб, 4364,2 млрд.

сўмдан иборат бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,8 фоизни ташкил этди, деганидир. Шундан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1202,3 млрд. сўмни (108,0 фоизни), нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2906,6 млрд. сўмни (114,9 фоизни), ароқ ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 255,3 млрд. сўмни (112,1 фоизни) ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқаришда йирик корхоналар томонидан 7584,2 млрд. сўмлик, кичик бизнес субъектлари томонидан эса 7888,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Айни пайтда Тошкент шаҳрида жами саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши 51,0 фоизни ташкил этмоқда.

**Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Ахборот хизмати**